



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 29 апрел, сешанба № 67 (1492)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ФАРҒОНА-2003»: ҚУТҚАРУВЧИЛАР МАШҚЛАРИ БОШЛАНДИ

Фарғона вилоятида Фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «Фарғона-2003» машқлари бошланди.

Шу муносабат билан Фарғона туманидаги Водил кишлоғи стадионида бўлиб ўтган тантанали маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов очди.

Президент Ислам Каримовнинг фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «Фарғона-2003» машқлари қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов ўқиб эшиттирди.



НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига асосан ўтказилаётган мазкур машқларда Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Эстония, Арманистон, Грузия, Қозоғистон ҳамда Қирғизистондан келган бир юз йигирмадан кўпроқ қутқарувчининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари тинчлик даврида юз бериши мумкин бўлган зилзила, сув тошқини, сел оқибатида юзага келадиган фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилади. Уч кун давом этадиган машқларда 28 мамлакатдан келган кузатувчи ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этмоқда.

Халқаро машқлар иштирокчилари ва кузатувчилари махсус белгиланган беш зонада аҳолини эвакуация қилиш, ишлаб чиқариш ҳудудларида ишчиларни қутқариш бўйича орттирган малакаларини амалиётда қўллаш, тажриба алмашиш юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Тантанали маросимда табиий офат ва ҳалокатларга қарши ҳаракат Евро-Атлантика маркази раҳбари Стивен Орш сўзга чиқди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирини Б.Субанов, Фарғона вилояти ҳокими А.Оттабоев иштирок этди.

Расулжон КАМОЛОВ, ЎЗА муҳбири

Осиё минтақаси ва МДХ давлатларида ҳозиргача қўлланилмаган энгилгор фармацевтика технологиялари бугунги кунда «Кор Фарманоат» Ўзбекистон-Хиндистон қўшма корхонасида фойдаланилмоқда. Ички бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилган доривор воситалар билан тўлдириш соғлиқни сақлаш тизими-

Корхона 1997 йилда ташкил топган. Ўзбекистон томонидан тасвирчилар - «Ўзфарманоат» давлат концерни ҳамда унга тегишли бўлган «Технофарм» ОАЖ ва Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтидир. Хиндистон томонидан эса - машҳур фармацевтика компанияси «Кор Хелскер ЛТД».

«Кор фарманоат» қўшма корхонаси Ўзбекистонда биринчи бўлиб Европа тиклиниш ва тараққиёт банкидан завод қурилиши ва жиҳозлар сотиб олиш учун қарз олган. ЕТТБ кредит линияси бўйича «Асака» давлат акционерлик тижорат банки орқали олинган қарзнинг миқдори 3 миллион 350 минг долларни ташкил этди. Бундан ташқари, Жаҳон банки бўлини маси бўлмиш Халқаро молия корпорациясидан ҳам худди шу миқдорда қисқа муддатли қарз ҳам олинди. Корхона самарали фаолият юритиш оқибатида қарз ва унга қўйилган фоизларни белгиланган жадалва мувофиқ мунтазам равишда тўлаб бормоқда.

Лойиҳанинг баҳоси 12,2 миллион долларни ташкил этди. Завод қурилиши жуда қисқа муддатда - 18 ойда якунланди. Тўлиқ қувватга эришгач «Кор фарманоат» Ўзбекистоннинг йирик фармацевтика корхоналари қаторидан жой олади. Бугунги кунда



ни ислоҳ қилиш давлат дастури томонидан белгиланган муҳим вазифалардан биридир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу завод қурилиши ташаббуси билан чиқиб, махсус қарор қабул қилди ва уни Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритди.

Бўлиб, алоҳида фармокологик тозаликни талаб қилади. Бу мақсадда «тоза хона» ташкил этилган ва 5 сония ичида бу ерда компьютер бошқарувда инсон иштирокисиз полиэтилендан флакон тайёрланади ва у дарҳол эритма билан тўлдирилади, айнан шу

«CORE» МАРКАЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

усул орқали зарур тозалик таъминланади ва препаратларнинг сақланиш муд-

дати икки барабарга ортади. Бундан ташқари, корхонада махсулотнинг кимёвий, токсикологик ва биологик хавфсизлигини кафолатловчи қатъий назорат ўрнатилган. Бу вазифани сифат назорати лабораторияси ўтади, бу ерда доривор воситалар 269 тест синовларидан ўтказилади. Лаборатория шу каби тадқиқотларни ўтказишга рухсат берувчи махсус сертификатга эга бўлиб, Германия, АҚШ ва Япониянинг замонавий компьютерлаштирилган ускуналари билан жиҳозлан-

ган.

Импорт ўрнини босиш дастурини амалга оширар экан, завод ташкил этилганидан буён 8 турдаги 12 миллион флакон инфузион эритма ва 22 турдаги 94 миллион таблетка, жами 7,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Агар аввал маҳсулот учун ашё ва қадокловчи материаллар тўлалигича четдан келтирилган бўлса, ҳозирги кунда бошқа давлатлардан фақатгина Ўзбекистонда ҳали чиқарилмайдиган бир қатор доривор субстанциялар олиб келинади. Шунинг учун мамлакатнинг ап-


тека дўконларига ва даволаш муассасаларига келтириладиган «Кор фарманоат» дорилари чет элдаги нисбатан анчагина арзон. Корхона талабни тўлиқ қондиришни мақсад қилиб қўйган. Илгари эритмалар фақат 500 миллилитрлик флаконларда чиқариларди. Ҳозир эса, технологик линиялар таъмирлангандан сўнг, улар 250 миллилитрлик ҳажмларга қўйилмоқда, бу эса, истеъмолчилар фикрича, аҳолини керакли дорилар билан янада тўлиқ таъминлаш ва улардан самаралироқ фойдаланишни таъминлайди.

«CORE» маркали дори-дармонлар жаҳон сифат



«CORE» маркали дори-дармонлар жаҳон сифат

«CORE» маркали дори-дармонлар жаҳон сифат



мезонларига мос келади, шунинг учун корхонанинг мамлакат ташқарисидан ҳам буюртмачилари кам эмас. Экспорт ҳажми 600 минг

«НАФИС»НИНГ ТУҲФАЛАРИ

4-5 май кунлари Тошкентда Европа тиклиниш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг ўн иккинчи йиллик мажлиси ва унинг доирасида Бизнес-анжуман бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчиларининг бир гуруҳи Самарқандга келиши кутилмоқда.

Шаҳарда меҳмонларни кўнглидагидек қутиб олиш, уларга савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, қолаверса, кўча-хўбонларни беэша, ёритиш каби юмушлар бажарилмоқда. Самарқанддаги «Нафис» очқ турдаги акция-дорлик жамиятида эса ушбу тадбирга бағишланган эсдалик чинни буюмлар тайёрлана бошланди. Кўча шаҳарнинг бетакор меъморий обидалари ҳамда ЕТТБнинг рамзлари туширилган олий сифатли, гўзал ва бежирим чинни буюмлар меҳмонларга манзур бўлиши шубҳасиз.

АКЦИЯ САВДОСИ

Республика фонд биржасида ўтган hafta давомида 21 акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 28,4 миллион сўмлик 33,9 минг донга акциясини сотиш борасида 55 битим имзоланди. Иккилаштирилган эса ўн акциядорлик жамиятининг қиймати 10,6 миллион сўмлик 14,9 минг акцияси харид қилинди.

Мазкур haftaда АНП-1 акциядорлик жамияти акцияларининг бозори чакон бўлди. Унинг умумий қиймати 5,8 миллион сўмлик 5,6 минг акцияси сотилди.

Суратларда: қўшма корхона фаолиятдан лавжалар. Ш.ОЛИМОВ, ЎЗА олган суратлар

«СЕН ЁЛГИЗ ЭМАСАН»

Мамлакатимизда шу йил 1 майдан 1 июнгача бўлиб ўтадиган хайрия марафони ана шундай номланади. Ушбу тадбирни «Sen Yolg'iz Emassan» республика болалар жамоатчилиги жамғармаси ташкил этди. Бу кенг қўламли тадбирдан кўзланган асосий мақсад кенг жамоатчилик эътиборини етим ва ногирон болалар муаммоларига қаратишдир.

Тошкентда ушбу марафонга бағишланган матбуот анжуманида «Sen Yolg'iz Emassan» жамғармаси директори Жавлон Эгамбердиев ана шу ҳақда сўзлаб берди. Унда журналистлардан ташқари давлат ва нодавлат тузилмалар, болалар муаммолари билан шуғулланаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, Тошкентдаги меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар директорлари иштирок этди.

Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг камол топтириш ва уларга ҳаётини муносиб шарт-шароитлар яратиш давлат сийқатининг муҳим устувор вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун бир қатор давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу борада ота-она меҳридан бенасиб болаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, республикамизнинг қўллаб-қувватлаш уюшмалари уларга доимий патронаж хизмати кўрсатмоқда. Бу ўтган йилнинг ноябрида ташкил этилган «Sen Yolg'iz Emassan» жамғармасининг ҳам асосий вазифасига айланади. Шу билан бирга, жамғарма кам таъминланган кўп болали оилалар ва ёлғиз қарияларга ҳам ғамхўрлик кўрсатади.

Жиддий муаммолардан бири - етим болалар ва ногиронлар тарбияланаётган муассасалар битирувчиларининг ижтимоий ҳаётдан ўз ўрнини топишга кўмаклашишдан иборат. Жамғарма ушбу муаммони ҳал этишга қаратилган дастур ишлаб чиқди. Унинг амалга оширилиши бундай ўсмирларни касбий

йўналтириш ва уларга коллежлар, лицейлар ҳамда олий ўқув юртиларида билим олишни давом эттиришга ёрдам беради. Ижодий жамоалар ва ўқув юртилари вакиллари ихтиёрий равишда меҳнат қилаётган ўқув марказининг очилиши ушбу дастурни амалга оширишда дастлабки қадам бўлди. Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси эса ўқув маркази учун бино ажратди.

Бор бўл, оқибат!

Бу борада пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларининг 900 нафарга яқин тарбияланувчиси ўртасида уларнинг турли йўналишлар бўйича иқтидори ва қизиқишини аниқлаш учун сўров ўтказилди. Мазкур ўқув марказида 7 та бўлим ва тўғрақ ташкил этилган бўлиб, уларда ўғил болалар ва қизлар таъсирли санъат ва рақс билан шуғулланади, математика, кимё, инглиз тили, компьютерда ишлаш бўйича ўз билимларини чуқурлаштиради. Бўлимлар сони эҳтиёжга қараб кенгайтириб бораверади. Шунингдек, марказ хузурида мунозара клуби ҳам ташкил этилган. Бу ерда ўсмирлар нотижик санъатини ўрганади, уларнинг ёшида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этиш йўллари мустақил топиш кўникмаларига эга бўлади.

Жамғарма қисқа вақт ичида орттирган ижобий таъбирани бутун республика бўйлаб оммалаштириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, яқин вақт ичида бу ерда ота-оналарисиз тарбияланаётган болалар учун тезкор навбатчи ишонч хизматини таш-

кил этиш кўзда тутилган. Бундай болаларга ёрдам бериш учун юқори малакали руҳшунослар, шифокор ва ҳуқуқшунослар жалб этилади. Ҳозирда ушбу ишлар бошлаб юборилди. Тошкентдаги меҳрибонлик уйлари билан эса БевоСИТА телефон алоқаси ўрнатилган бўлиб, ундан барча тарбияланувчилар фойдаланиши мумкин.

Матбуот-анжуманида мазкур хайрия марафонини бир ой мобайлида ўтказиш бу борадаги фаолиятни янада жонлантириш, унга кенг жамоатчиликни жалб қилиш имконини бериши таъкидланди. Зеро, ота-она меҳридан бебаҳра болалар муаммосини ҳал этиш нафақат давлатнинг саяё-ҳаракатида, балки барча аҳоли, шу жумладан, шу мақсадга қаратилган ижтимоий лойиҳаларга маблағ ажратадиган тадбиркорлар, бизнес вакиллари билан ҳам фаол иштирокига боғлиқ. Олмалиқ ва Навоий конметаллургия комбинатлари каби республикамизнинг йирик корхоналари, Германиянинг Ўзбекистондаги элчинонаси ва Германия иқтисодий ваколатонаси жамғармага ушбу хайри ишга ўз ёрдамини берди.

Марафон дастуридан болалар расмлари танлови, спектакллар, цирк томошалари, концертлар, экскурсиялар, авторалли ва мини-футбол бўйича турнир ўтказиш каби қўлаб тадбирлар ўрин олган. Марафон пойтахт Акваларкида Болаларни халқаро химоя қилиш кўнида бошланади. Тадбирнинг якуний концертида эстрададаси юлдузлари иштирок этади. Тадбирни ўтказиш давомида тушган маблағларнинг ҳаммаси жамғарманинг болаларни химоя қилиш дастурига амалга оширишга сарфланади.

А.ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири

Хар қандай ташкилот ва муассасада ишловчиларга етарли шарт-шароит яратиш бериш, уларнинг беҳатар меҳнат қилишларини таъминлаш бош вазифалардан ҳисобланади. Наманган вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ишчи-хизматчиларнинг хавфсиз шароитларида ишлашларини, бунинг учун уларга яратиб берилган шарт-шароитни мунтазам равишда қўзғатади, назорат қилади. Керак бўлса, тегишли маслаҳатлар, кўрсатмалар беради.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

унга қандай муносабатда бўлинаяпти?

Жойларда ўтказилаётган текширишлар шундан далolat бермоқдаки, айрим ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари бу масалага етарлича аҳамият бермай келмоқдалар. Баъзида унга иккинчи даражадаги вазифа, деб қараш қайфияти ҳукм сурмоқда. Мингбулоқ туманидаги «Наманган ижтимоий қурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 146-хўжаликларо механизациялашган кўчма жамланмасидаги аҳолини кўздан кечириганимизда, шундай ҳолатнинг устидан чиқдик. Деярли 40 нафар ходим меҳнат қилмайдиган ушбу ташкилотда «КС-3562» русумли юк кўтариш автомашинаси, ер қазих ишлари учун ишлатиладиган «ЭО-2621» русумли экскаватор, ходимларни ва юк ташиш учун мўлжалланган 3 та автомашина ва 2 та тиркашли трактор асосий воқит, бош кўмакдошлик вазифасини ўтамоқда. Улар ёрдамида биргина

2002 йилда туманда қурилиш ва ободонлаштириш йўналишида сезиларли ишлар амалга оширилди. Чунинчи, жамланма жамоаси кучи билан коллеж биноси бўйи кўрсатиб қолди.

Маълумки, мавжуд техника самарадорлигига эришиш, энг муҳими, уларнинг соғлиғига боғлиқдир. Хўш, биз сўз юритибтган жамланмада бу борадаги ҳолат қай даражада?

Жамланма мутасаддилари техника ва механизмлар соғлиғига эришиш масаласига етарли эътибор қаратмаган. Мисолларга мурожаат қилайлик: жамланманинг саноят майдонида турган «ККТ-5» русумли юк кўтариш крани даврий техник қўриқдан ўтказилмаган, «ОПТ» русумли юк кўтариш механизми носоз бўлиб, ишлатиш учун хавфли. Тахтага қайта ишлов бериш учун мўлжалланган «ЛРВ» русумли дастгоҳ ҳам меҳнат хавфсизлиги талаби даражасида эмас. Ениги ва мойлаш материалларини

сақлаш маскани даврий синовдан ўтказилмаган. Қурилишда фойдаланиладиган нарвон ва ховазалар ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Ишчи-хизматчиларга махсус химоя воситалари, махсус қўлқоплар, химоячи аркон, химоячи камарлар берилмаган.

Текшириш даврида маъ-

Таҳлил

лум бўлдики, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автокраннинг фойдаланиш муддати аллақачон тугаганлигига қарамастан ҳамон ишлатиб келинмоқда. Бинобарин, тартиб бўйича тегишли ташкилот томонидан ташхис ўтказилмагунга қадар ишлатиш тақиқлаб қўйилди. Давлат техник қўригидан ўтказилмаган трактор, ходимларни ташхис кўзда тутилган автомашиналар ишлатилмоқдаки, бу эса йўл ҳаракат хавфсизлигига зиддир.

Жамланмада меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ҳам қатор камчиликлар бор. Аввало, бу йўналишда Адлия вазирлиги томонидан ўзгартаришлар киритилиб, 2001 йил 20 июлда 273-сон билан рўйхатга олинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиш тўғрисида»ги намунавий Низом асосида корхонада меҳнат муҳофазаси борасида Низом ишлаб чиқилмаган. Тармоқлар бўйича меҳнат муҳофазаси учун маъсул

шахслар буйруқ билан бирктирилмаган. Хавфли ва ўта хавфли ишларнинг рўйхати ва уларни баҳарлаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилиб, ходимлар таништирилмаган. Бу иш учун маъсул кишиларнинг давлат назорат органлари мутахассислари иштирокида билимлари синовдан ўтказилмаган. Шунингдек, ишчи-хизматчиларни даврий тиббий қўриқдан ўтказиш ҳам унутилган. Ноқулай, оғир ва зарарли ишларда ишловчи ходимларга меҳнат шароитлари олдидан оғохлантирилмаган. Иш ўринлари шаҳодатланиб, меҳнат шароитлари баҳоланмаган бўлиб, уларга давлат томонидан кафолатланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш, қўшимча меҳнат таътили олиш, профилактик даволаш, озик-овқат олиш каби ҳуқуқлари ва меҳнат шароитлари тушунтирилмаган.

Уйлаймики, жамланма раҳбарияти текшириш жараёнида аниқланган ва улар эътиборига етказилган хато-камчиликлардан ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб оладилар.

Аҳмадjon Йўлдошев, Наманган вилояти ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бош давлат меҳнат техника инспектори

Обидjon Жуманазаров, «Ишонч» муҳбири

Ҳокимлик ва касаба уюшма ҳамкорлиги

Прокурорнинг чарчоги ёзилиб кетди. Ўрнидан туриб деразани ланг очиб юборди. Бодрокдек очилган гўнчалар билан безанган шафтоли шохлари гулдаста тутаётгандек қаршида ороланарди. Телефон бахонаси билан туман машина-трактор паркиннинг ишчиси А.Каримов кўз олдида гавдалана бошлади.

лан прокуратура ходимлари ҳамжиҳат. «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ижтимоий таъминот туман бўлими идораси прокуратура ходимлари иштирокида фуқаролар йиғинларида «Обод маҳалла йили» муносабати билан камхарж оилаларнинг ижтимоий ҳимояланishi ўрганилганда, бу борада ҳамма вақт ҳам қонунчилик талабларига риоя

озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар топширишди. Туман вояга етмаганлар билан ишлаш жамоатчилик комиссияси ўсмир ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга қилувчи ўсмирнинг тарбияси ҳақида танқидий фикр билдирилганди.

45 нафар ўсмир муқим иш билан таъминланди. 885 нафар йигит-қизлар касб-хунар эгаллаши учун ўқишга юборилди. Комиссия саъй-ҳаракати билан жамоаларда кўним топиб, ишлаётган ўсмир-ёшлар кўп. Маҳалла сардорлари вояга етмаган Халимжон Ҳамидов бозорларда мақсадсиз юрганлигидан огоҳ бўлдилар. Сардорлар маҳалла йиғини раиси билан Ҳамидовлар хонадонда бўлиб оилада бола тарбияси, ота-она, ўсмир-ёшнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида мулоқотда бўлдилар. Натijaда Халимжон Абдулла Қаҳор номи ширкат хўжалигида иш бошлади. Ўрта мактабни тугаллаб, ишсиз юрган ўсмир қиз Раънохон Обидова, Зиёдахон Эргашевалар комиссия тавсияси билан шу йил 15 мартда бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасига қақирув қоғози билан иштирок этдилар. Кўп ўтмай, Раънохон «Олтин водий» қишлоғида очилган кичик корхонага ишга кирди. Зиёдахон эса 5-ўрта мактабга котибаликка ишга жойлашди.

МАҲАЛЛА ОТАЛИФИДА

ўқмай, ишламай юрган ёшлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиляпти

қилинмаётганлиги қайд этилди. Ҳокимлик ва касаба уюшма ҳамкорлиги натижасида туманда «Наврўз» байрами меҳр-мурувват намойишига айлиниб кетди. Барча қишлоқ фуқаролар йиғинида эҳтиёжманд оилаларга дастурхон ёзилиб, совға-саломлар улашилди. Прокуратура жамоасининг ташаббуси билан «Хидирша» қишлоғида яшовчи ноғирон Толибжон Умрзоқовга аравача топширилди. Шу кунга эгамбердиободлик Исмаилло Давлатов, Гофуржон Исмомовларга ҳам бепул аравача совға қилинди. Шодиёна хони 24 нафар ноғирон ҳоимлар ёрдами билан аравачали бўлди. Утган йилги «Наврўз» байрамада ҳам 50 нафар ҳаракатлана олмайдиган болаларга аравача берилган эди.

Комиссия танқиддан тегишли хулоса чиқарди. Эртасигаёқ маҳалла маслаҳат йиғилишига болажоннинг ота-ониси Алижон ака ҳамда Оминахон опалар тақлиф этилди. Участка инспектори Д.Мўминов, педагог-тарбиячи З.Меҳмонваларнинг ҳисоботлари эшитилди. Мухокамда ўсмир-ёшларнинг бўш вақти ёмон ташкил қилинганлиги қайд этилди. Маҳаллада спорт-соғломлаштириш ишларини жонлантириш тадбирлари белгиланди. Мирхалим Эрматовни вилоятдаги касб-хунар коллежларининг бирида ўқишини давом эттиришини маҳалла оталиқчи олди. Аҳолини иш билан банд қилиш, хусусан, ўқимай-ишламай юрган вояга етмаган ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тортишда комиссия жонбозлик қилмоқда. Туман «Бандлик» бўлими билан комиссия ўртасида жонли алоқа ўрнатилган. Ҳокимлик маъқуллаш дастурда меҳнат ярмаркалари ўтказиш, «Усто-шоғирд» тизимини ривожлантириш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш кўзда тутилган. 2002 йилда 4 марта меҳнат ярмаркалари уюштирилиб,

Туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳиржон Тоҳидинов, Абдулла Навий номи ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Суёнбой Дуванаев савобли юмушлардан четда қолмадилар. 4-мактаб интернат жамоасига 40 ўз ҳимоясига олганлиги тахсинга лойиқ. Бу борада туман ҳокимлиги би-

Бошқа чора қолмагач тушкун кайфиятда прокуратурага арз қилди. Шикоятнинг ихроси билан Абдумалиқнинг ўзи шуғулланди. Текширишларни мувофиқлаштирувчи вилоят худудий Кенгаши розилиги олинган, тафтишчилар таркиби тuzилди. Таркиб жамоада меҳнат Қонунчилиги талаблари кўп олаётганлиги, иш ҳақи, пенсия ва нафақалардан қарздорлик юзага келганлигини аниқлади. Н.Жўраев, Х.Маматалиев каби ишчилар ҳам иш берувчининг айби билан иш ҳақидан маҳрум бўлган эдилар. Уларнинг манфаатлари кўзланган ҳолда Хўжаобод туманларо фуқаролик судига давво аризаси киритилди. Натijaда суднинг ҳал қилув қарори билан 3 нафар ишчилар фойдасига 246 миң 590 сўм миқдорда тўланмаган иш ҳақи ундирилди.

Ташкилотидаги «Бекободун» жамоа корхонасида ҳар бир кишига сарфланган маблағ эса 94 миң сўми ташкил этган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жамоа шартномаларининг тўлақонли бажарилишида вилоят ҳамда туманларда ўтказилаётган семинарлар катта аҳамият касб этмоқда. Келгусида бундай ўқувларни ҳар бир туманда кенгайтирилган равишда ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Комиссия раиси Абдуваҳоб Нишоннинг айтишича, туманда жорий йилда 3 марта меҳнат бозорини ташкил қилиш режалаштирилган. Айни кунларда вояга етмаган 102 нафар ёш рўйхатга олинб касб-хунар бўйича ўқитилмоқда. Туманда ўтган йили 25241 тонна дон тайёрланиб, шартнома мажбурияти 132,6 фоизга, пахта тайёрлаш 128,9 фоизга урдаланди. Ҳосилдорлик ҳам чакки эмас. Яъни галладан 70,9 центнердан, пахтадан 36,9 центнердан хирмон қўтарилди. Ёки дончиликнинг ўзидан 891 миллион сўм даромад олинди. Бу кўрсаткич пахтачиликда янада баракани бўлди. Хўжаободликлар 1 миллиард 430 миллион 800 миң сўм даромад қилдилар.

Хўжаобод туман прокуратурасининг боқувчисидан айрилган оилалар, туман ноғирон болаларни ўз ҳимоясига олганлиги тахсинга лойиқ. Бу борада туман ҳокимлиги би-

Туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳиржон Тоҳидинов, Абдулла Навий номи ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Суёнбой Дуванаев савобли юмушлардан четда қолмадилар. 4-мактаб интернат жамоасига 40 ўз ҳимоясига олганлиги тахсинга лойиқ. Бу борада туман ҳокимлиги би-

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» мухбири

Урганч шаҳрида жойлашган «Нарғиз» қаҳвахонасида ишловчиларнинг саховатпешалиги ҳақида кўп эшитардик. Ўзимиз кўриб бунга яна бир бор амин бўлдик.

НОГИРОНЛАРГА БЕПУЛ ХИЗМАТ



Жамиятимизда са-инсонлар кўпаяверсин. Б.ЭРНАФАСОВ олган сурат

Шаҳарнинг 5- ва 27-маҳаллалари оралиғида жойлашган «Матрасул Саричи» хусусий фирмасига қарашли бу қаҳвахонада кунига келиб-кетувчи ноғиронлар учун алоҳида жой доим тайёр туради. Ошпазлар Гулчехра Раҳимова ва Сабриёз ака Бобожоновлар тайёрлаётган ширин таомлардан танавул қилган ноғиронлар улар ҳақида, қолаверса бу савобли ишлар бошида турган қаҳвахона раҳбари очиққўн-

гил инсон Озод ака Матрасуловни ҳам алқаб дуолар қилишади.

Жамиятимизда са-инсонлар кўпаяверсин. Б.ЭРНАФАСОВ олган сурат

Жамоа шартномалари қандай бажарилляпти?

Ҳар бир иш ўзининг охири натижаси билан ўлчанади. Унинг қанчалик тўлақонли бажарилиши эса режалаштиришга боғлиқ. Касаба уюшма кўмиталари ҳамда маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномалари ҳамда келишувлари ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Сир эмас, илгарилари бу ҳужжат дабдабали ва бандпарвоз қилиб тузиларди. Охир оқибатда эса...

чун ҳар бир меҳнатқашга сарфланган маблағ йил сайин ўсиб бормоқда. Бу рақам 2000 йилда 17,7 миң сўми ташкил этган бўлса, 2002 йилда 71,2 миң сўмга етиб, ўрта ҳисобда 3,5 баробар ўсишга эришилди.

Бу кўрсаткичлар вилоятдаги айрим корхона ҳамда хўжаликларда бундан ҳам юқори. Масалан, Бекобод туманидаги «Бекободун» жамоа корхонасида ҳар бир кишига сарфланган маблағ эса 94 миң сўми ташкил этган.

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА

Мана шундан хулоса чиқариб, айни пайтда жамоа шартномалари ихчам ҳамда корхона, хўжалик ҳамда ташкилотлар имкониятидан келиб чиққан ҳолда тузиляпти, бу ҳолат меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу кунларда кўпгина бошланғич ташкилотларда бу ҳужжатнинг қандай бажарилганлиги атрофлича таҳлил этилиб, жорий йил учун янги жамоа шартномалари қабул қилинди.

Чирчиқда 87,9, Оққўрғон туманида 80,8, Бўстонлик туманида 78,7, Бўка туманида эса 74,5 фоизи ташкил этган. Бу муҳим ишнинг тўла бажарилмаслигининг асосий сабаби корхона ҳамда хўжаликларнинг ҳисоб рақамларида пул маблағларининг етишмаслигидир. Бунинг натижасида айрим қишлоқ хўжалик корхоналарида кўшимча йиллик тўловларни 3-4 ойга кечиктириб бериш ҳолатлари учрамоқда.

Тошкент вилоят агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси тизимидаги корхона, ташкилот, муассаса ҳамда ўқув юрталарида ва фермер хўжалиқларида 3377 та жамоа шартномалари қабул қилинганди. Улар орқали 206 миң нафардан зиёд меҳнатқашнинг манфаатлари ҳимоя қилинди. Бундан ташқари вилоят кўмитасида 6 та, туман кўмиталарида эса 15 та тармоқ битимлари тузилганди. Ҳўш, бу ўзининг қандай самарасини берди?

Келишувлар ва жамоа шартномаларида ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу тадбир вилоятда 92,8 фоизга бажарилган. Лекин мазкур кўрсаткичнинг айрим туманларда пастиги кишини таъжублантиради. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, бу муҳим иш Бекобод туманида 91,3, Янгийўлда.90, Бўка туманида 82 фоизга бажарилган ҳолос.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жамоа шартномаларининг тўлақонли бажарилишида вилоят ҳамда туманларда ўтказилаётган семинарлар катта аҳамият касб этмоқда. Келгусида бундай ўқувларни ҳар бир туманда кенгайтирилган равишда ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жамоа шартномаларида кўрсатилган тадбирлар 91,4 фоизга бажарилган. Бунинг учун эса 14 миллиард 880 миллион сўм маблағ сарфланган. Меҳнатга ҳақ тўлаш, пул мукофотлари, пенсиялар, компенсациялар ва қўшимча тўловлар бўйича режалаштирилган мажбурият 91 фоизга бажарилган. Зангиота, Қибрай, Чиноз, Оҳангарон ва Пискент туманларида бу кўрсаткич 98 фоизгача етган бўлса, Юқори

Ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасини қоникарли ташкил этиш, иш шароитларини яхшилашни корхона ҳамда хўжаликларда талаб даражасига етказиш зарур. Ушбу тадбирнинг 88,5 фоизи бажарилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Ушбу муҳим тадбирнинг ўз вақтида бажарилмаслигини асосий сабабларидан бири иш жойларининг аттестациядан ўтказилмаганилиги, зарарли иш шароитларида ишловчиларни сўт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлашдаги айрим узиллишлар сабаб бўлмоқда. Лекин шундай бўлса-да, вилоят тармоқ хўжалиқларида жамоа шартномаларининг бажарилиши

Лекин ўтган йили жамоа шартномаларини қабул қилинишида бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, айрим тумандаги фермер хўжалиқлари тўлиқ агро-саноат мажмуи тизимига қабул қилинмаган. Бунинг устига уларда ишловчилар сонига ҳам ноаниқликлар мавжуд. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки жамоа шартномаларида касаба уюшма ташкилотларининг энг долзарб вазифаларидан бири бўлган иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида тўлаш билан боғлиқ бўлган бандлар тўлиқ бажарилмапти.

Мехнатга ҳақ тўлаш, пул мукофотлари, пенсиялар, компенсациялар ва қўшимча тўловлар бўйича режалаштирилган мажбурият 91 фоизга бажарилган. Зангиота, Қибрай, Чиноз, Оҳангарон ва Пискент туманларида бу кўрсаткич 98 фоизгача етган бўлса, Юқори

Ишлагани халқ билди, - дейди фермер. - Биз фермерлар учун Президентимиз, ҳукуматимиз катта имкониятлар яратиб бермоқда. Ерни боқсак, у бизни боқди. Шу йилдан бошлаб қўшни Мурод Абдувоисев номи фермер хўжалиқлари худудидан 30 гектар ер қўшиб олдим.

Саховатли фермернинг савобли ишлари бир талай. У туман «Болалар спорт жамғармаси» ҳисоб рақамига бир миллион сўм ўтказиб берди. Бошқа хайрия жамғармаларига 200 миң сўмлик ёрдам кўрсатди. Фермер хўжалигида ишлаган ишчиларнинг тўймаъракаларида ўзи бош бўлиб, саховатини аямлапти. Ишчиларнинг фарзандлари ҳам бундай муруватдан четда қолаётгани йўқ. Болалар оромгоҳларига йўллана ажратиб, унинг маблағини фермер ҳисобидан ўтказиб, қолаверса, мактаб анжомлари, дарсликлар билан таъминлашни фермер хўжалиги ўз зиммасига олган.

Сирдарё кўрғонига қўлга тушди

Чиноз тумани Давлат солиқ инспекциясининг ходимлари бошқа хўқўни муҳофаза этувчи идораларнинг ходимлари билан ҳамкорликда балик маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида ҳам бозорлар бўйлаб мунтазам рейд ва текширувлар ўт-

Чилонзорлик Олег Тен эса 155 килограмм тирик балиқни пуллаш учун Тошкентга олиб кетаётган пайтда тўхташилди. Солиқ хизмати ходимлари қисқа вақт ичида 13 ҳолатда 2314 килограмм тирик балиқ ва 13 килограмм дудланган балиқни вақтинча олиб қўйдилар. Чунки, уларнинг тегишли ҳужжатлари йўқ эди.

Ноконуний хатти-ҳаракатларнинг оддий кўри-нишлари ҳам эндиликда эътиборсиз қолмади. Шундай экан, ҳар бир тадбиркор ва тижоратчи тўғри яшаб, тўғри меҳнат қилишга одатланиши керак.

Жасур НОСИРОВ, «Ишонч»нинг жамоатчи мухбири

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН МАЖБУРИЯТ»

Газетамизнинг шу йил 19 март сониди юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилганди. Унда «Навоийсувқурилиш» очик ҳиссадорлик жамиятига қарашли Конимех туманидаги 4-сон механизациялашган кўча жамланма маъмуриятининг ўз вазифасига совуққонлиги, ўзибўларчилиги натижасида, ташкилотнинг дебиторлик қарзлари ошиб, ишчиларни ойлик иш ҳақларини тўлаш кечикиб кетишига сабаб бўлаётганлиги танқид қилинган эди.

мутаасадди ходимлари ва «Навоийсувқурилиш» очик ҳиссадорлик жамиятининг раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Ҳақиқатдан ҳам, «Навоийсувқурилиш» очик ҳиссадорлик жамиятига қарашли Конимех туманидаги 4-сон механизациялашган кўча жамланманинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ошиб кетганлиги; корхона раҳбарининг масъулиятсизлиги оқибатида ойлик иш ҳақидан қарздорлик вужудга келди.

Иш ҳақидан қарздорликнинг қолган қисмини эса буюртмачи Навоий шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бўлими томонидан тўланадиган 8 миллион сўм дебиторлик қарзи ҳисобидан тўлаш режалаштирилди.

Тахририят ушбу мақола юзасидан қўйидагига жавоб хати олди: «Мақола вилоят ҳокимлигининг

Хозирги кунда буюртмачилар билан тузилган шартномалардан тушган маблағлар ҳисобидан ойлик иш ҳақларини бир қисми

«Навоийсувқурилиш» ОАЖ қарашли Конимех тумани 4-сон механизациялашган кўча жамланма ишчи-хизматчиларининг ойлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлаши назоратга

Ярмарка харидорларни кутмоқда

Бухорода мамлакатимизда ишлаб чиқарилган саноат ва озик-овқат товарлари савдоси билан шуғулланувчи доимий ярмарка очилди. Ярмаркада «Бухоротеко», «Бухорон», «Ўзбекчарм», «Ўзбекистон», «Ўзбекистон» каби компания ва уюшмаларнинг маҳсулотлари сотилмоқда.

— Бу ердан вилоятимиз тадбиркорлари ва ахлиси билан бир қаторда Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларидан келган тадбиркорлар ҳам товарларни бозор нархларидан 8-10 фоиз арзон нархларда сотиб олишлари мумкин, - деди «Бухоросавдо» компанияси раиси Абдурахмон Азизов «Туркистон-пресс» мухбирига.

— Шу каби ярмаркалар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг истеъмолчилар олдидаги обрўсини кўтаришга хизмат қилади.

Хамкорликда хикмат кўп, деган нақлнинг нақадар тўғрилиги навбатдаги рейдда яна бир бор тасдиқланди. Кунни кеча назорат қилувчи идораларга тушган тезкор маълумотнинг қанчалар тўғрилигини аниқлаш учун Чиноз тумани Давлат солиқ инспекцияси, туман прокуратураси ҳузурларида солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ҳамда ички ишлар бўлими ходимларидан иборат тезкор гуруҳ тузилди. Гуруҳ аъзолари эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиб яна бир жиноий хатти-ҳаракатни фож этидилар.

Жиноий тил бириктирилган ҳуқуқбузарларга чинозлик сохта тадбиркор Абдуқаҳҳор Набиев бош бўлган. У Янги Чиноз кўрғониди истиқомат қилувчи, муқаддам судланган Евгений Филатов, шу тумандаги Охунбобоев номи жамоа хўжалигидан Зиёдулло Матқобилдовдан Сирдарёнинг нариги қирғонига гамлаб қўйилган 34 турдаги салкам 10 миллион сўмлик газламаю кийим-бошларни моторли қайиқларда Чинозга етказиб беришни сўраган. Чунки бу молларни қуруқдан олиб келишнинг иложи йўқ, ҳаммаёқда назоратчилар турарди.

Мўмайгина хизмат ҳақини эшитган қайиқчилар қош қорайиши билан моторларни ўт олдириб Абдуқаҳҳор айтган жойга етиб боришди ва юкларни ортиб яна Сирдарё орқали Чинозга қайтиш

Уша дамба уларни қирғонда тезкор гуруҳ аъзолари яширинча қутиб турарди. Қайиқлардан юклар тушириляётган пайтда текширув эълон қилинди. Учта моторли қайиқ ва уларда ташиб келинган моллар далилий ашё сифатида олинб, вақтинча сақлаш учун Чиноздаги 1-дўконга топширилди. Аниқланган ҳолат бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Янги Чиноз кўрғониди савдо харид корхонаси қарашли устaxonада фаолият кўрсатаётган фуқаролар текширувдан ўтказилганда ҳам шунга ўхшаш манзара намоён бўлди. Савдо харид корхонаси раҳбари Алишер Абдурахмонов устaxonасининг 110 квадрат метр майдонини ўтган йилнинг июл ойида фуқаро Шухрат Исमतовага пахтанинг қайта ишлаш цехи ташкил этиш учун ижарага берган эди. Шух-

КИРАКАШ ҚАЙИҚЛАР

Сирдарё қирғонига қўлга тушди

рат бунинг эвазига ҳар ойда Алишерга 10 миң сўмдан ижара ҳақи тўлаб боришга келишган. Шу тартибда устaxonанинг яна бир қисми фуқаро Зоҳид Исमतовага ашиқ ишлаб чиқариш учун ажратилган.

Ойлар би-бирини қувлаб ўтаверди. Бебилиска пуллар Алишернинг ҳамё-

нига келиб тушаверди. Қисқа вақт мобайнида у 170 миң сўмлик бўлиб олди. Лекин ундан даромад солиғи тўлашни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Шу боис аниқланган ҳолатлар юзасидан савдо харид корхонаси раҳбари А.Абдурахмоновга нисбатан тегишли чора қўрилди.

Чиноз тумани Давлат солиқ инспекциясининг ходимлари бошқа хўқўни муҳофаза этувчи идораларнинг ходимлари билан ҳамкорликда балик маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида ҳам бозорлар бўйлаб мунтазам рейд ва текширувлар ўт-

зиб келмоқдалар. Яқинда Янги Чиноз деҳқон бозоридида ўтказилган текширувда 280 килограмм тирик балиқни сотиб олиб қайта пуллаш учун Жиззахга олиб кетаётган фориллик тижоратчи Нозима Бердиева ушланди. Чилонзорлик Олег Тен эса 155 килограмм тирик балиқни пуллаш учун Тошкентга олиб кетаётган пайтда тўхташилди. Солиқ хизмати ходимлари қисқа вақт ичида 13 ҳолатда 2314 килограмм тирик балиқ ва 13 килограмм дудланган балиқни вақтинча олиб қўйдилар. Чунки, уларнинг тегишли ҳужжатлари йўқ эди.



«Ишонч»нинг жамоатчи мухбири

«Ишонч»нинг жамоатчи мухбири

«Ишонч»нинг жамоатчи мухбири

ВНИМАНИЕ АКЦИОНЕРОВ ОАО «ТУРОН САНАТОРИЙСИ»

Годовое Общее собрание акционеров состоится 30 мая 2003 года в 10-00 утра по адресу Ташкент, ул. Устабаева 159

ПОВЕСТКА ДНЯ

1. Утверждение отчета по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2002 год.
2. Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2002 год.
3. Утверждение аудиторского заключения, отчета Ревизионной комиссии по результатам проверки финансово-хозяйственной деятельности ОАО «Турон санаторийси» за 2002 год и утверждение аудитора на 2003 год.
4. Утверждение распределения прибыли за 2002 год,

5. Утверждение бизнес-плана на 2003 год.
6. Утверждение Устава в новой редакции. Утверждение Положений об Общем собрании, Наблюдательном совете, Исполнительном органе.
7. Перевыборы Наблюдательного совета
8. Выборы Председателя Правления общества.
9. Выборы Ревизионной комиссии общества.
10. Вознаграждение членов Наблюдательного совета.

Бухгалтерский баланс за 2002 год

Актив баланса		Пассив баланса	
Основные средства	1708731,8	Уставной капитал	728375,0
Износ	426608,7	Добавленный капитал	15198,4
Остаточная стоимость	1282123,1	Резервный капитал	631101,8
Капитальные вложения	26192,6	Нераспределенная прибыль	54803,9
Производственные запасы	193771,0	Целевое финансирование	21654,5
Денежные средства	2681,6	Расходы будущих периодов	7662,3
Дебиторская задолженность	86884,9	Кредиторская задолженность	132857,3
ИТОГО:	1591653,2	ИТОГО:	1591653,2

Регистрация акционеров начнется в 9-00 часов. Акционерам иметь при себе паспорт, а представителям акционерно-паспорт и доверенность, заверенную нотариально

ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ (СОБЫТИЯХ, ДЕЙСТВИЯХ), ЗАТРАГИВАЮЩИХ ФИНАНСОВО-ХОЗЯЙСТВЕННУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЭМИТЕНТА ОАО «ТУРОН САНАТОРИЙСИ»

ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ — 07

Наступление даты закрытия реестра: 11 апреля 2003 года Наблюдательный совет ОАО «Турон санаторийси» принял решение о дате составления списка владельцев ценных бумаг.

Список акционеров составляется по состоянию на 30 апреля 2003 года



Хоразмдаги «Узуйжойжамгарма-банк»нинг вилоят бўлими жорий йилнинг биринчи чорагида 21 та кичик ва ўрта бизнес субъектларини 68 миллион 580 минг сўмлик кредит маблағлари билан таъмин этди. Хозирда эса кредит қўйилмалари 960 миллион сўмдан ошиб кетди. Банк ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фоизлар миқдорини камайтириши миқозларни қониқтирмакда.

Аноржон Отажонов 1977 йилдан бери банк хизмати тизимида ишлаб келмоқда. У ўзининг ҳушмуомалиги билан жамоада катта обрў-эътиборга эга.

Суратда: банк кредит бўлими бошлигининг муовини А.Отажонов бўлим ходимасига кредит ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан маслаҳат бермоқда.

Б.ЭРНАФАСОВ олган сурат

Саволларингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси баш мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: 1. Туман ижтимоий таъминот бўлимига имтиёзли пенсияга чиқиш учун мувожаат қилсам, Сизга имтиёз йўқ, фақат мактаб кутубхонасида ишлаганларга имтиёз бор, деб айтишди. Шу тўғрисида? Маданият ишлари вазирлиги қарашли кутубхоналарда ишловчиларга 50 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи назарда тутилмаганми?

2. Тренерлик касби ўқитувчиликка кирадими? Мен 55 ёшдан имти-

ёзли пенсияга чиқсам бўладими? **Р.СОТВОЛДИЕВА,** Наманган вилояти, **Х.МАДМАНОВ,** Хоразм вилояти.

ЖАВОБ: педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби «Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади. Ушбу Қонуннинг 12-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатнинг VII қисмига

асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари, шунингдек, кутубхона мудирлари ва кутубхоначилар умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркеклар 55 ёшдан камда 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Маданият ишлари вазирлиги қарашли кутубхоналарда ишловчи кутубхоначилар ҳам, тренерлик вазифаси ҳам бу рўйхатда назарда тутилмаган.

Саволларингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси Шерзод СОЛИЖОНОВ жавоб беради

САВОЛ: амалиётда мактаб директорлари ўқитувчилар билан бир йил муддатга меҳнат шартномалари тузиш ҳоллари учрамоқда. Ушбу меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг талабларига зид эмасми? Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди Ёки Халқ таълими вазирлиги ҳуқуқий ишлар бошқармаси томонидан бу ҳақда тушунтириш берилганми?

М.ТУРҒУНОВ, Баллик тумани.

ЖАВОБ: маълумки, 1992 йили давлат таълим муассасаларининг барча педагог ходимлари, 1993 йили эса илмий-тадқиқот, лойиха-конструкторлик ташкилотларининг ходимлари муддатли меҳнат шартномалари тизимида ўтказилган эди.

Меҳнат Кодексининг амалга киритилиши илгари қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари у билан мувофиқлаштиришни тақозо этди. Бу ҳол педагоглар ва илмий ходимларни муддатли меҳнат шартномалари бўйича ишга қабул қилишни тартибга солувчи норматив ҳужжатларга ҳам тўла таллуқли эди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 майдаги 179-сонли қарорига биноан Хукуматнинг 1993 йил 19 июндаги «Илмий-тадқиқот, лойиха ва конструкторлик таш-

килотларининг ходимларни ёллашнинг контракт тизимига ўтиши тўғрисида»ги қарори бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Судининг 1997 йил 17 июндаги қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 августдаги қарорига биноан тасдиқланган «Педагог ходимлар билан меҳнат шартномалари тузишнинг контракт шакли

умумий хусусиятга эга бўлиб, барча ходимларга шу жумладан педагогларга ҳам таътиб этилади. Бошқа ҳолларда педагог ходимлар билан муддатли меҳнат шартномасини тузиш Меҳнат Кодексига ва, бинобарин, Конституциянинг қонунлар устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилган 15-моддасига мувофиқ эмас.

Шундай қилиб, илмий-тадқиқот, лойиха, конструкторлик ташкилотларининг ходимлари шунингдек, педагоглар билан қолган бошқа барча ходимлар каби муддатли меҳнат шартномасини фақат Меҳнат Кодексининг 76-моддасида назарда тутилган ҳолларда тузиш мумкин. Кўрсатиб ўтилган ходимлар билан Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талабларини ҳисобга олмасдан муддатли меҳнат шартномасини тузиш қонунга хилоф ҳисобланади.

Юқорида айтилганлар педагоглар ва илмий ходимларни ишга қабул қилиш чоғида муайян хусусиятлар белгиланишини истисно қилмайди. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига биноан педагог ходимларни олий ўқув юрталарига ишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.



тўғрисида Низом» Конституцияга зид эканлиги эътироф этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 августдаги қарори билан юқорида зикр этилган Низом ўз кучини йўқотганини эътироф этилди.

Конституциявий Суднинг қароридан асосли равишда таъкидланадики, муддатли меҳнат шартномасини фақат аниқ белгиланган ҳолларда тузиш мумкинлиги тўғрисидаги Меҳнат Кодексига мустаҳкамланган норма

Саволларингизга ТДЮИ катта ўқитувчиси Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

САВОЛ: мен бир неча йиллар қурилиш-таъмирлаш участкасида уста (мастер) вазифасида ишлаб келганим. Имтиёзли равишда 55 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми?

Н.ТОШТЕМИРОВ, Бойсуён тумани.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 12-майда тасдиқланган ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва курсаткиларнинг 3-

рўйхати XXVIII қисмида қурилиш ва монтаж ишларида ишловчи усталар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Демак, фақат қурилиш участкаларида уста (мастер) бўлиб ишлаганлар ушбу имтиёздан фойдалана олмайдилар.

САВОЛ: 1971 йилда тузилган фарзандим Ҳакимов Файзулло болаликдан I гуруҳ ногирони. Хозирги вақтда 8970 сўм нафақа олади. Фарзандим юртимизда, гапиролмайди. Ҳатто овқатни ҳам ўзи ея олмайди. Шу боис

мунтазам онаси тарбиясида. Шу пайтгача юқоридаги нафақадан ташқари ҳеч қандай ёрдам олганимиз йўқ. Қонун бўйича бизга қандай имтиёзлар бор?

Амрилол ҲАКИМОВ, Ургут туман Ибн Сино ширкат ҳўжалиги.

ЖАВОБ: амалдаги қонунчилик бўйича I гуруҳ болаликдан ногиронларга қуйидаги имтиёзлар мавжуд:

- Даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиш;
- Икки йилда бир маротаба бепул сикатгоҳ йўлан-

«2-СОН АВТОКОМБИНАТ» ОАЖ

09-сонли Хабар

28 март 2003 йил соат 10.00 да «2-сон Автокомбинат» ОАЖ мажлислар хонасида, Акмал Икромов тумани, С.Сегизбоев кўчасидаги 3а манзилда акциядорларни йиллик умумий мажлиси ўтказилди. Мажлисида иштирок этган акциялар сони 318553 дона, жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқига эга оддий акциялари сони – 70,6 фоиз. Кун тартибидagi масалалар бўйича овоз бериш бюллетенлар асосида амалга оширилди.

Муҳокама этилган масалалар ва овоз бериш натижалари

1. Жамиятнинг 2002 йил молиявий ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги Бошқарув кенгаши ҳисоботи ва унга баҳо бериш.

Розилар	- 318553
Қаршилар	- йўқ
Бетарафлар	- йўқ
2. Жамият фойдаси ва зиёни тўғрисидаги аудитор томонидан тасдиқланган 2002 йил бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.

Розилар	- 157523
Қаршилар	- 161030
Бетарафлар	- йўқ
3. Жамият тафтиш гуруҳи далолатномаси ва аудитор текширувнинг 2002 йил якунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш.

Розилар	- 157523
Қаршилар	- 161030
Бетарафлар	- йўқ
4. Жамиятнинг 2002 йилги фойдасини тақсимлаш.

Розилар	- 318553
Қаршилар	- йўқ
Бетарафлар	- йўқ
5. Жамият Кузатув кенгаши фаолиятига танқидий баҳо бериш, акциядорларни давлат улушини ишончли бошқарувчисининг вақилига баҳо бериш бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи.

Розилар	- 195434
Қаршилар	- 123119
Бетарафлар	- йўқ
6. Жамиятнинг 2003 йилга Бизнес режасини тасдиқлаш.

Розилар	- 151663
Қаршилар	- 166890
Бетарафлар	- йўқ
7. Жамиятнинг 2003 йилга Аудиторини тасдиқлаш.

Розилар	- 318553
Қаршилар	- йўқ
Бетарафлар	- йўқ
8. Бошқарув кенгашининг 2003 йилга харажатлар сметасини тасдиқлаш.

Розилар	- 195434
Қаршилар	- 123119
Бетарафлар	- йўқ
9. Кузатув кенгаши харажатлар сметасини тасдиқлаш.

Розилар	- 312693
Қаршилар	- 5860
Бетарафлар	- йўқ
10. Жамият Уставига ўзгартиришлар киритиш.

Розилар	- 318553
Қаршилар	- йўқ
Бетарафлар	- йўқ

№	Собирова Р.С	Ходжаев С.	Муҳаммадиев К.	Артиқходжаев Ф.	Юнисметов Т.	Тафтиш гуруҳига янги аъзоларни сайлаш.	№	Фалеткина Н.	Хандусенко С.	Жамият Бошқарув кенгаши раисини сайлаш.	№	Валиев У.М.	Кучқаров А.А.	Эшонхонов С.М.
1.	274782	265125	256568	269193	304495	1.	318553	318553	318553	1.	29700	288853	288853	318553
2.	43771	49360	49360	49360	5589	2.	йўқ	йўқ	йўқ	2.	288853	29700	29700	318553
3.	43771	49360	49360	49360	5589	3.	йўқ	йўқ	йўқ	3.	318553	288853	29700	318553

Акциядорларнинг умумий мажлиси қарори

1. Жамиятнинг 2002 йил молиявий ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботи қониқарсиз деб топилсин.
2. Жамият фойдаси ва зиёни тўғрисидаги аудитор томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланс тасдиқланмасин. Бухгалтерлик баланс 1 ой муҳлатда қайта қўриб чиқиш ва мажлисида тасдиқлаш ваколати Кузатув кенгашига топширилсин.
3. Жамиятнинг тафтиш гуруҳи далолатномаси ва аудитор текширувнинг 2002 йил якунлари бўйича хулосаси тасдиқланмасин, далолатномани ва Акти 1 ой муҳлатда Кузатув кенгаши мажлисида тасдиқлаш ваколати Кузатув кенгашига топширилсин.
4. Жамиятнинг 2002 йилга фойдаси тақсимлансин. Оддий акцияларни ҳар бир донасига уларни номинал қийматини 10 фоиз миқдорда дивидендлар тўлансин, фойдани қолган қисми реинвестиция фондига йўналтирилсин.
5. Жамият Кузатув кенгаши раиси Ф.Нигмоновнинг ҳисоботи тасдиқлансин.
6. Жамиятнинг 2003 йилга Бизнес режаси тасдиқланмасин. Бизнес режа бошқарув кенгаши томонидан қайта қўриб чиқиши ва 1 ой муддатда Кузатув кенгашига тасвир қилиши топширилсин. Кузатув кенгаши мажлисида Бизнес режани тасдиқлаш ваколати Кузатув кенгашига топширилсин.
7. Жамиятнинг 2003 йилга аудитори этиб «АММ-Автоаудит» хусусий фирмаси тасдиқлансин, 2003 йил давомда акциядорлардан янги аудитори номзоди тасвир қилинганда аудитори номзодини қўриб чиқиш ва тасдиқлаш ваколати Кузатув кенгашига топширилсин.
8. Бошқарув кенгашининг 2003 йилга харажатлар сметаси тасдиқлансин.
9. Кузатув кенгаши харажатлар сметаси тасдиқлансин.
10. Жамият Уставига ўзгартиришлар киритилсин:
- 2-модда. Жамиятнинг фаолият турлари ва максати
- 2.2. (қўшимча) Ҳайдовчиларни тайёрлаш ўқишларини ташкил қилиш.
- 8-модда. Акциядорлар Умумий йиғилиши ваколатлари.
- 9.7. (қўшимча) Бошқарув кенгаши раисини танлов асосида 1 йил муддатга сайлаш.
- 10-модда. Кузатув кенгаши ваколатлари.
- 10.7. (эски таҳрирда) Жамият ижроия органи аъзоси Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. (янги таҳрирда). Жамият ижроия органи аъзоси, жамият штатида ҳақ олиб ишлайдиган ишчи-ҳодимлар Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.
- 11-модда. Жамият ижроия органи.
- 11.1. (эски таҳрирда) Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия органи (Бошқарув) томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви, Акциядорларни Умумий йиғилишида 3 йилга сайланадиган 10 нафардан иборат.

«2-сон Автокомбинат» ОФЖ раҳбарлари таркибидagi ўзгаришлар

10-сонли Хабар

- ўзгаришлар содир бўлган бошқарув органи – Бошқарув кенгаши
- ўзи ағаллаб турган лавозимдан озод қилинди – Бошқарув кенгаши раиси Валиев Убайдулла Маннопович.
- жамият Устав жамғармасидаги ҳиссаси – 0,21 фоиз.
- Бошқарув кенгаши раиси лавозимига Кўчқоров Абиджан Алимович сайланди.

Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилганлар: Устав жамғармасидаги ҳиссаси.

- Раҳматуллаев З.	- 0,03 фоиз,	Мигунова И.	- 0,03 фоиз,
- Атамхўжаев У.	- 0,05 фоиз,	Ҳайдаров А.	- 0,03 фоиз,
- Абдураҳмонов А.	- 0,04 фоиз,	Раҳимов Ш.	- 0,008 фоиз,
- Имомалиев Ш. Г.		Кўчқоров А.А	

Кузатув кенгашига сайланганлар: Устав жамғармасидаги ҳиссаси.

- Артиқхўжаев Ф.	акционер, хусусий тадбиркор	- 0,073 %
- Муҳаммадиев К.	«Турон» АТБ	
- Юнисметов Т.	«АВИА» банк	
- Ходжаев С.	«Замин» банк	
- Собиров Р.С.	«5-Таксисарой»ОАЖ	

Қарор қабул қилинди акциядорларни умумий йиғилишида.

Ўзгаришлар содир бўлган сана – 28 март 2003 йил

«2-сон Автокомбинат» ОАЖнинг 2003 йил 1 январга бўлган «АММ-Автоаудит» аудитор ташкилоти тасдиқлаган баланси

	АКТИВ	ПАССИВ
1. Устав Фонди		225496,5
2. Қўшимча маблағ		188099,9
3. Заҳира капитал		117487,9
4. Тақсимланмаган фойда		44235,1
5. Узоқ муддатли кредитлар		142136,7
6. Узоқ муддатли қарзлар кредиторлар		178078,0
7. Максатли тушум ва фондлар		107598,1
8. Асосий воситалар (қолдиқ қиймати)	877521,1	47202,5
9. Номоддий активлар (қолдиқ қиймати)	91,2	
10. Ишлаб чиқариш заҳиралари	60734,4	
11. Пул маблағлари	5094,1	
12. Дебиторлар	103383,0	
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	3510,5	
13. Баланс	1050334,7	1050334,7

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ - АМАЛДА

Наманган Давлат университети нафақат Фаргона водийсидаги, қолаверса мамлакатимиздаги тўнғич олий ўқув юртидан бири ҳисобланади. Илм даргоҳига 1942 йили асос солинган. Утган давр мобайнида бу даргоҳда қанчадан-қанча ёшлар билим олиб эндиликда улар мамлакатимиз рақибига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Истиқлол шарофати ила педагогика институтини негизда Юртбошимиз Фармони билан 1992 йили Университет ташкил этилди. Мухбиримиз С.АБЗАМОВА тайёрлаган мақолаларда бугун ана шу олий даргоҳда Миллий Дастур асосида амалга оширилаётган ишлар, ютуқлар, таълим-тарбиядаги илгор тажрибалар ҳақида фикр юритилади.

ТҮНГИЧ ИЛМ МАСКАНИ

Водийдаги олий ўқув юрти ҳақида гап кетса, дастлаб бизнинг жамоамиз тилга олинади. Чунки зиёлилар тайёрлаш, халқимиз саводхонлигини оширишга мана 60 йилдан зиёдроқ вақт ўтдики, педагогик жамоамиз ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаяпти. Доншмандлардан бири «улуғ ақл эгаллари ўз олдларига мақсад қўядилар, қолган одамлар ўз истаклари ортидан эргашадилар», - деб айтган экан. Дарҳақиқат, бу фикрлар ҳаёт тасдиғидан ўтапти. Истиқлолга эришилган дастлабки йиллардан малякатимизда узоқни қўзлаб ислохотлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, Президентимиз ташаббуслари билан яратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бунга яққол мисолдир. Чунки энди бизга мустақил юртининг эртанги кунини яратадиган, унинг гуллаб-яшнашига сидқидилдан ҳизмат қиладиган янги фахр ва таваққурдаги йигит-қизлар керак. Ана шу эҳтиёжни қондириш учун таълим тизимида ҳам инқилобий ўзгаришлар ясаш лозим бўлди. 1992 йили «Таълим тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. Миллий Дастур ҳам бевосита ислохотларнинг давоми бўлиб, Олий ўқув юрти, коллежлар бўйича таълим-тарбиянинг янги шаклини яратишга мўлжаллангандир. Ана шу мақсадлар йўлида кўшни институт, университетлар, пойтахт ва чет мамлакатлар билан мунтазам алоқалар ўрнатиб, тажриба алмашишларга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Нафақат ўқитувчилар, балки талабалар ҳам бу жараёнда фаол қатнашаётганлар. 5000 нафарга яқин йигит-қиз кундузги ва сиртки бўлимларда тахсил олмақда. 23 та йўналиш бўйича бакалаврлар, 12 та мутахассисликдан магистрлар тайёрланди. Илм даргоҳи қошидаги аспирантурада 40 нафар ёш олим тадкиқотлар олиб борапти.

Шуниси диққатга сазоворки, бир гуруҳ олимларимиз мамлакатимизнинг янги тарихини яратишга фаол қатнашмоқдалар. Ана шуларни эътиборга олиб, водийда яна бўлган Ўзбекистон тарихи фани бўйича докторантура очилди. 12 та факультет, 36 та кафедрани профессор-олимлар, талабалар ҳамкорлигида илмий лабораторияларда ўқув марказларида жиддий изланишлар олиб бораёпти.

Мустақиллик йилларида университет мақомига эга бўлган жамоамизнинг нуфузи яна ҳам орди. Конституцияни ўрганиш вилоят маркази ташкил қилинди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан заҳирадаги раҳбар кадрлар, лицей ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва хорижий тилларни ўрганиш каби марказлар ишлаб тургани ҳам



зиммамизга катта масъулият юклайди. Академик лицей ва бизнес мактабимиз ўқувчилари университетимизнинг бўлғуси кадрлари ҳисобланади. Улар эришаётган натижалар вилоят, республика ва халқаро миқёсларда эътироф этиляпти. Бу эса ана шундай кўрсаткичлар университет ўқитувчилари ва талабаларига ҳам илҳом бағишлайди. Математика, физика, кимё, география, тарих, ҳуқуқшунослик, ўзбек тили ва адабиёти фанлари йўналишлари бўйича Бутунжапон анжуманлари ўтказишга асос яратилмоқда.

Янгича билим ва тарбия олишга иштиёқманд, иқтидорли йигит-қизлар етишиб чиқаётгани бағоят қувончлидир. 25 нафар талабамиз турли стипендияларнинг совриндорлари. Улар ўзларининг аъло ўқиши, намунали ҳўлки, жамоат ишидаги фаоллиги билан барчага ибратдирлар. Доноҳон Раҳимова, Муносира Эргашева, Дилдора Йўлдошева, Бахтиёр Мирзажонов, Дилшод Холматов, Дилноза Орипова, Марина Закарлюк, Муҳаббат Мирсолиевлар алпақачон илим масканимиз фахрига айлангандирлар. 30 нафардан зиёд энг иқтидорли талаба университетимизда ташкил этилган атам стипендиялари оладилар. 4 нафар йигит-қиз эса камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати стипендияси соҳибидир.

Интилишларимиз зое кетмапти, деб

ўйлайман. 2002 йил 28 март кўни илм даргоҳимиз ҳаётида яна бир воқеа бўлдики, Университетимиз Франциядаги бутун дунё Университетлари қомусининг 17-нашрига 100 ўринда киритилди. Бу республикада энг биринчиларданлиги билан ҳам ифтихор уйғотилади. Тўнғич илм масканимизда мамлакатимизга малакали кадрлар тайёрлаш бундан буён ҳам масъулият билан амалга оширилаверади.

Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ, университет ректори, Олий Мажлис депутати

МАЪНАВИЯТ ДАРСЛАРИ

Биз буюк неъмат аталмиш истиқлолга эришилган даврда яшаб, инқилобий ўзгаришларда фаол қатнашаётганимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки бу кўнларга етиш халқимиз асрий ордуси бўлган. Маънавий-маърифий янгилинишлар жараёнини амалга оширишда университетимиз профессор ўқитувчилари, талабалар фаол қатнашмоқдалар. Факультетларда маънавий ишлар бўйича декан ўринбосарлари фаолияти мувофиқлаштириб борилаёпти. Алоҳида бугунги кун нафаси билан ҳамоҳанг хоналар жиҳозланган. Мўъжазгина кутубхонада Президентимиз асарлари, миллий истиқлол гоёси, маънавий қадриятлар билан боғлиқ китоблар мавжуд. Фахртанин ҳар душанба кўни маънавий дарслари ўтилади. Мавзулар истеъодли олимларимиз томонидан пишдиқ-пўхта ўрганилиб сўнг оммавий равишда тарқатилаяпти.

Республикаимиз Конституциясининг 10 йиллиги кенг нишонланди. Илм даргоҳимиз ҳудудидидаги конституцияни ўрганиш майдони ана шундай қизиқарли тadbирлар ўтказиладиган жойга айланди. Бундан ташқари турли маданий тadbирлар ҳам тез-тез ташкил қилинаётди. «Кўнноклар ва зўкколлар» кўрик-танловида жамоамиз вилоятда фахрли биринчи ўрни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди. 3 нафар талабамиз пойтахтда бўладиган «Қизларжон» баҳсига йўлланма олди. «Обод маҳалла» йили мўнасабати билан ўқув даргоҳимизда белгиланган тadbирлар наватбатма-навбат амалга ошаёпти. Шу йилнинг 18 мартида бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида жамоа фаол қатнашиб 400 минг сўм маблағни маҳалла, 200 минг сўмини эса ЭКОСАН жағғармаларига ўтказди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган Европа Тикланиш ва Тарақиёт банкининг Ўзбекистонда бўладиган анжуманига университетимизда ҳам қизгин ҳозирлик кўриляпти. Узимизнинг ташаббусимиз билан Афғонистонлик болаларга 300 минг сўмлик ўқув-қуроллари ва бошқа совға-саломлар юбордик.

Университетимизда 2000 йилдан буён Миллий истиқлол гоёсини тарғиб қилиш маркази ишлаб турибди. Катъий режа асосида Президент Фармонлари, Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа шу каби муҳим янгиликларни оммага етказишда марказнинг хизмати катта бўляпти. Илм даргоҳимизга «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг ўқитилиши ҳам ана шу марказ назоратидадир. Бу ерда тарғиботчилар гуруҳи иш олиб боради. Ижтимоий фан кафедраларининг А.Абдурахмонов, М.Нишонов, Б.Исоқов, С.Болтабоев, Р.Солиев, Р.Жўраев каби профессор-ўқитувчилари, фан номзодлари, доцентлар иштирокида жойларда долзарб мавзуларга бағишланган учрашувлар ўтказиляпти. Марказ ташаббуси билан илмий-амалий конференциялар, юзма-юз мулоқотлар ташкил қилиш, рисолалар чоп этиш йўлга қўйил-

ган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги талаби билан профессор-ўқитувчиларимизнинг илмий-гоъвий билимдонлик савияси вақти-вақти билан аттестациядан ўтказиляпти. Буларнинг ҳаммаси бизга эртанги кўннинг онгли, фикрли, ташаббускор ёшларини воёга етказишимизга хизмат қиляпти.

Бу каби вазифаларни оғишмай бажаришда тарих, этика-эстетика, мўсика таълими, ҳуқуқшунослик факультетлари ўқитувчиларининг фаоллигини таъкидлаш жоиз.

Эркинжон КЕНЖАЕВ, миллий истиқлол гоёсини тарғиб қилиш маркази директори

ФАОЛИЯТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Етуқ ва малакали мутахассислар тайёрлаш замон талабидир. Бугун барча саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадга қаратилган. Бу йўналишда муайян натижаларга ҳам эришилди. Ютуқлар эса ўз ўзидан келмайди. Ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани, қолаверса, маъмурият билан ўқитувчилар ва талабалар қасаба уюшмалари кўмиталари ўртасида жамоа шартномаси имзоланганлиги қўл келмоқда.

Албатта, жамоа шартномаси асосида ички меҳнат тартиби қоидаларига барча амал қилиши талаб қилинади. Ҳозирда университетимизда 724 нафар ишловчи бўлиб, шундан 446 нафарини профессор-ўқитувчи ташкил қиляди. Айни пайтда 5000 нафар атрофида талаба ўқияпти. Жумладан, 124 нафар кам таъминланган оила ҳисобга олинган. 2001-2002 йилларда 64 нафар ана шундай ҳодимга 263 минг сўм моддий ёрдам ажратилди. 48 нафар қасаба уюшма аъзоси 220,6 минг сўм миқдоридида моддий рағбатлантирилди.

Жамиятимизда юз бераётган янгилинишларда қасаба уюшмаларининг муҳим ўрни бор. Зеро, меҳнатқашларга наф келтириш қасаба уюшмаларининг асосий вазифасидир. Турли байрамлар, тadbирлар учун 2002-2003 ўқув йили мобайнида маъмурият томонидан 2 миллионга яқин, ўқитувчилар ва талабалар қасаба уюшмалари томонидан 668 минг сўм маблағ сарфланди.

Кези келганда айтиш жоизки, илм даргоҳимизда жисмоний тарбия ва спортнинг кенг оммалашшига катта эътибор қаратиляпти. Спортчиларни қўллаб-қувватлаш учун фақат ўтган йили 1 миллион 360 минг сўм маблағ сарфланган фикримиз исботидир. Жорий йилда «Ешлик» санаторий-профилакторийси талабалар ихтиёрига топширилди. Эндиликда бу ерда ёшларимиз саломатликларини қайта тиклашларига имконият яратилди.


Бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш ҳам йўлга қўйилган. Бу эса айрим кам таъминланган ўқитувчилар ва талабаларни рағбатлантиришда ўзига ҳос ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бироқ, қилинган ишлардан кўра амалга оширадиган режаларимиз кўпроқ эканлигини таъкидлашни истардик. Хали бўлим ва факультетлардаги бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари тўлиқ фаолият кўрсатаяпти, деб бўлмайдди. Янги келган ўқитувчилар ва талабаларни жамоат ишларига жалб қилиш суист. Меҳнат муҳофазаси юзасидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш талаб қилинади.

Етоқхона талабаларнинг ҳақиқий уйига айланиши керак. Шу боисдан бу ерда таъмирлаш ишлари жадал олиб бориляпти. Бу каби юмушларни амалга оширишда ректорат ва қасаба уюшма кўмиталарига «ЗИЛИ» кичик корхонаси ҳам баҳоли қудрат кўмаклашмоқда.

Ҳар ойда бир марта ҳомийлик йўли билан бепул тушлиқлар ташкил қилиб, кўнглолар тadbирлар ўтказиляпти. Бундан ташқари университет атрофида ва талабалар уйда тайёрланаётган овқатлар ҳамиша назоратга олинган бўлиб, уларнинг арзон ва сифатли бўлишига эришиляпти. Цех, гуруҳ қасаба уюшма ташкилотлари етакчилари фаолларнинг тажриба алмашишлари йўлга қўйилган. Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат жамоа ташкилотлари билан яқин алоқадаимиз.

Яна бир гап. Жамоа шартномасига мувофиқ шу йилнинг ўзюда яқинларини йўқотган ҳодимлардан, даволанувчилардан, саломатлигини мустаҳкамлашга боруриллардан, ноғиронлардан, шароити оғирлардан, уруш ва меҳнат фахрийларидан, байналмилалчилардан, кам таъминланган талаба ва магистрлардан бир гуруҳига қўшимча иш ҳақи ва бир ойлик стипендия ёрдамида моддий ёрдамлар кўрсатиш босқичма-босқич амалга ошириляпти.

Маҳмуджон БАДАЛОВ, ўқитувчилар қасаба уюшма кўмитаси раиси. Шермухаммад БЕГМАТОВ, талабалар қасаба уюшма кўмитаси раиси



УЛАР БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

Соғлом авлодни тарбиялаш - буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуришдир. Биз тарихан қисқа фўрсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши англаб етдик. Дарҳақиқат, мамлакатимизга жисмонан соғлом, бақувват, эпчил, чаққон, фаол ҳаракат қиладиган йигит-қизлар керак. Бу масалада университетимизда анчагина тажриба тўлланган. Бугун аънобага айланган «Универсиада - 2002» мўсабақалари дастлаб Наманганда кўтаринки кайфиятда ўтгани ҳақида ёдимизда. Унда қатнашган талабаларимиз, фахрли биринчи ўринни эгаллаб, муносиб тақдирландилар. Бирон-бир беллашув йўқки, жамоамиз вакиллари қатнашмаган бўлиш. Улар орасида республика, Осиё, ҳаҳон биринчиликларида қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллаган ажойиб иқтидорли ёшлар кўп. «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони нишондори Тулашбой Дониёров, Баҳодир Нуриддинов, Григорий Ступаков, Юлий Кристов, Элдар Чекал, Абдурашид Нишонов, Аюбхон Камолов, Ольга Соҳ, Равшан Абдуллаев, Светлана Мансурова каби талабаларимиз эришаётган натижалар бугун барчанни қувонтиряпти. Ҳозирда бизда спортни 11 тури бўйича малакали мураббийлар ёрдамида спорт-соғломлаштириш мажмуаларида машғулотлар ўтказилмоқда. Университет жисмоний тарбия ва спорт факультетида тренер-йўриқчи тайёрлайдиган курс ташкил этилган. Ўтган ўқув йилидан бошлаб бу ерда 40 нафар иқтидорли спорт мутахассиси тайёрланди. Эндиликда улар вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида янги-янги тўғарақлар ташкил қилиб, ёшларга спорт силрларини ўргатмоқдалар.

Маълумки, юртбошимиз қишлоқ жойларда болалар спортини янада ривожлантириш масаласини долзарб вазифа қилиб қўйдилар. Бу талаба бизнинг жамоамиз ҳам «лаббай» дея жавоб бермоқда. А.Бўтабоев, Б.Исломов, Д.Нозимов, Х.Усмонов, Ж.Эргашев каби ўқитувчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан малакали жисмоний тарбия ва спорт муаллимлари тайёрланмоқда.

Айни пайтда турли даражадаги беллашувларда вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиляпти. Бўхорода бўлган



2-универсиадада наманганликлар умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгалладилар. Бунда бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бор. Бизнинг вакилларимиздан Х.Каримов, Р.Фодиров, Ф.Галаванов ва бошқалар «Навбахор», «Андижон», «Машъал», «Косонсойчи», «Бўхоро» жамоаларида тўп суришяпти. Волейболчи қизларимиз Ўзбекистон чемпионатида муваффақиятли қатнашмоқдалар. Бунда Н.Нуриддинова, Н.Расуллова, М.Мусаева каби талаба қизлар номини тилга олиш ўринлидир. Боксчилар, энгил атлетикачилар, гандболчиларимизнинг вилоят тарма жамоаларида ҳам иштироки салмоқли.

Ўтган йили маъмурият, ўқитувчилар ва талабалар қасаба уюшма кўмитаси томонидан спортни ривожлантириш учун 1 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бундан ташқари «Намангансуқурилиш», «Наманганпилла» ҳиссадорлик жамиятлари жамоалари томонидан ҳам ҳомийлик ёрдами доимий равишда кўрсатилаяпти.

Собитхон АЗИЗОВ, жисмоний тарбия ва спорт факультети декани

Футбол

ЭНГ КАММАҲСУЛ ТУР

7 ўйинда дарвозаларга 11 та тўп киритилди

Албатта, саққиз жуфтликка бўлинган ҳолда жамоалар ўтказган ўйинлар бир тур деб баҳолашни муштарийларимиз яхши билишадди. Гап шундаки, бу турнинг «Пахтакор» - «Трактор» командалари ўртасидаги учрашув аввалроқ бўлиб ўтган, бунинг сабаби эса Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида катнашаётган бош жамоамизга қўлайлик яратиш эди. Ва ўзига яратилган шароитдан «Пахтакор» қандай фойдалангани эндиликда барчага маълум. Бангкогда 1:3 ва Тошкентда қайд этилган 1:0 ҳисоблари «БЭК Торо Сасана» клубини финалга олиб чиқди.

Кўни кеча «Пахтакор» жамоаси мамлакат кубоги баҳси учун Тошкентда биринчи лига командаси бўлмиш «Сўғдиёна»ни қабул қилиб, 3:1 ҳисобида устуликка эришди. Уйин гарчанд пойтахтликлар фойдасига яқунланган бўлса-да, футболчилар ҳам жисмонан, ҳам руҳан анча толиққанликларини сезиш унчалик қийин эмас эди.

Шундай вазиятда Фаргонанинг «Нефтичи» клуби эришаётган кетма-кет галабалар бу йил «Пахтакор» учун чемпионлигини қўлда сақлаб қолиш осон кечмаслигини огоҳ этгандек бўлаётти. Буни Сарқисан шогирдлари олтинчи турда ҳам исботлай олдилар. Олий лига дебютантни бўлишига қарамай мазмунли, энг муҳими, натижавор ўйин намойиш этаётган «Цементчи» жамоасига қарши Қувасойда тўп сурган эса-да, «Нефтичи» футболчилари зафар қўйдилар. Муросасиз ўтган учрашувда бор-йўғи битта гол бир томоннинг устулигини таъминлади ва фангоналикларнинг шашти умиддамиз.

Юқорида айтганимиздек, 7 учрашувда дарвозаларга бор-йўғи 11 та тўп киритилди. Бу, албатта жуда оз. Беихтиёр савол туғилади: ҳужумчилар султашиб қолишмадимми ёхуд ҳимоячиқлари кучайиб кетдимми? Бунга навбатдаги турда жавоб оламиз, деган умиддамиз.

6-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Ў Ю Д М Т-Н О

1. «Нефтичи»	6	6	0	0	17-2	18
2. «Пахтакор»	5	5	0	0	15-3	15
3. «Дўстлик»	6	3	2	1	7-5	11
4. «Насаф»	6	3	1	2	9-4	10
5. «Қизилқум»	6	3	1	2	10-6	10
6. «Навбахор»	6	2	3	1	8-5	9
7. «Сурхон»	6	3	0	3	7-10	9
8. «Цементчи»	6	2	1	3	6-6	7
9. «Андижон»	6	2	1	3	6-6	7
10. «Металлург»	6	2	1	3	7-12	7
11. «Трактор»	6	2	1	3	7-16	7
12. «Самарқанд-Д»	5	2	0	3	3-4	6
13. «Кўкон-1912»	6	2	0	4	5-13	6
14. «Машъал»	6	1	1	4	7-7	4
15. «Бўхоро»	6	1	1	4	7-11	4
16. «Гулистон»	6	1	1	4	3-12	4

Тadbир

ФОЛИБАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Таълим ва фан ҳодимлари Ургўт туман қасаба уюшма кўмитаси кейинги вақтда жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият бермоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига, «Обод маҳалла йилига» бағишлаб ўқитувчилар ўртасида спортнинг 6 туридан мўсабақалар уюштирилди. Мўсабақалар тумандаги 121 - ўрта мактаб спорт саройи ва майдончасида ўтказилди.

Шоҳмат мўсабақасида тумандаги 55 - ўрта мактаб жамоаси зафар қўчди. Иккинчи ўринни 121-мактаб жамоаси эгаллаган бўлса, учинчи ўрин 40 - мактаб жамоасига насиб қилди. Шашка мўсабақаси ҳам жуда қизиқарли кечди. Тумандаги 40 - мактаб ўқитувчилари ҳаммадан кучли эканликларини намойиш қилишди.

Иккинчи ва учинчи ўринларни 55-ва 121-мактаб жамоалари бўлишиб олди. Стол теннис мўсабақасида ҳам 55-мактаб жамоаси голиб бўлди. 37 - ўрта мактаб иккинчи ва 40 мактаб кичик ракетка ҳаваскорлари учинчи бўлишди.

Кичик - футбол мўсабақасида 37 - ўрта мактаб жамоасини қўли баланд келди. Улар барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб шохсупанинг энг юқорисидан қўли олди. Иккинчи ўрин 121-ва учинчи ўрин 48-мактаб ўқитувчиларига насиб этди.

Полвонлар мўсабақалари ҳам жуда қизиқарли ўтди. Тош кўтариш мўсабақасида 48 - ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси бир неча бор республика ва вилоят мўсабақалари голиби бўлган Уктам Шарипов 24 килограммлик тошни 102 мартаба қўтариб голиб бўлди. Иккинчи ўрин яна бир кучли полвон Эгамберди Тўрамурадовга насиб этган бўлса, кучли усликдан Хуррам Холиқов ҳам жой олди.

Арқон тортувчи полвонлар баҳсида 55 - ўрта мактаб жамоаси голиб бўлди. Умумжамоа ҳисобида 1 ўринни тумандаги 37 - ўрта мактаб жамоаси (Н.Мирзаев ва Х.Холиқов) II ўринни 40 - ўрта мактаб жамоаси (З.Қурбонов ва З.Тўрамурад) ва III ўринни 55 - ўрта мактаб (А.Ваҳобов ва К.Воҳидов) жамоалари эгаллашди.

Фолиб жамоа ва иштирокчиларга таълим ва фан ҳодимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси И.Набиев ва болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Б.Саломовлар эсдалик совғалари топширишди.

Х.АЛИЕВ, Қасаба уюшмалари Ургўт туман жисмоний тарбия ва спорт камияти раиси

ISHONCH
МУАССИС:
 Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
 Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маммура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
 E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
 Босишга топшириш вақти - 21.00
 Топширилди - 21.50

Маъмулимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бўхоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
 «Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.